

# МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ



Илимий-методикалық журнал

№ 5 2024

гуманитарные науки  
естественные науки  
технические науки



# МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ



*Илимий-методикалық журнал*

---

**2024**

**5-сан**

*Ўзбекистан Республикасы Министрлер Кабинети жанындагы  
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының  
25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз хәм хабар агентлиги тәрепинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.  
№01-044-санлы гүўалық берилген.*

# 5-сан 2024 сентябрь

Шөлкемлестіріушілер:

Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириу Министрлиги,  
ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы

**Редактор:**

**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

Мақсет АЙЫМБЕТОВ	Уролбой МИРСАНОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ	Сафо МАТЧОН
Айтмурат АЛЬНИЯЗОВ	Шукурулло МАРДОНОВ
Сапардурды АБАЕВ	Камаладин МАТЯКУБОВ
Адхамжон АБДУРАШИТОВ	Арзы ПАЗЫЛОВ
Хайрулла АЛЯМИНОВ	Барлықбай ПРЕНОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ	Раьно ОРИПОВА
Алишер АЛЛАМУРАТОВ	Бахтиёр РАХИМОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ	Фурқат РАЖАБОВ
Интизар АБДИРИМОВА	Муқаддас РАХМАНОВА
Тўлқин АЛЛАЁРОВ	Светлана СМИРНОВА (Москва, Россия)
Марифжон АХМЕДОВ	Дилшода САПАРБАЕВА
Умида БАҲАДИРОВА	Феруза САПАЕВА
Фархад БАБАШЕВ	Зайниддин САНАҚУЛОВ
Ботир БОЙМЕТОВ	Мухаббат САЛАЕВА
Гулзода БОЙМУРОДОВА	Қаххор ТУРСУНОВ
Шахло БОТИРОВА	Амина ТЕМИРБЕКОВА
Маманазар ДЖУМАЕВ	Нурзода ТОШЕВА
Асқар ДЖУМАШЕВ	Куанишбек ТУРЕКЕЕВ
Мухтар ЕРМЕКБАЕВ (Шимкент, Қазақстан)	Тажибай УТЕБАЕВ
Алишер ЖУМАНОВ	Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА	Мамбеткерим ҚУДАЙБЕРГЕНОВ
Холбой ИБРАГИМОВ	Амангелди КАМАЛОВ
Шохида ИСТАМОВА	Вохид КАРАЕВ
Умида ИБРАГИМОВА	Гулмира ҚАРЛЫБАЕВА
Лола ИСРОИЛОВА	Ризамат ШОДИЕВ
Алима КЕНЖЕБАЕВА (Тараз, Қазақстан)	Зафар ЧОРИШАНБИЕВ
Ярмухаммат МАДАЛИЕВ (Шимкент, Қазақстан)	Рустам ФАЙЗУЛЛАЕВ
Меруерт ПАЗЫЛОВА	Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Асқарбай НИЯЗОВ	Тармиза ХУРВАЛИЕВА
Сабит НУРЖАНОВ	Умид ХОДЖАМҚУЛОВ
Захия НАРИМБЕТОВА	Жавлонбек ХУДОЙБЕРГЕНОВ
Хушбоқ НОРБЎТАЕВ	Гулрухсор ЭРҒАШЕВА
Улфат МАҲҚАМОВ	Гавхар ЭШЧАНОВА
	Қонысбай ЮСУПОВ



<b>Davlatova M. A.</b> Boshlang'ich sinf o'quvchilarining fazoviy tasavvurlarini shakllantirishda geometriya elementlarining o'rni .....	348
<b>Usmonova Q. S.</b> Inklyuziv ta'limni boshlang'ich sinflarda joriy etishning ahamiyati va samaradorli .....	353
<b>Умарова З.А.</b> “Бошлангич таълим педагогикаси”да оптимал бошлангич таълим турлари .....	357
<b>Xayridinov B.K.</b> Boshlang'ich ta'lim yo'nalishi talabalarining boshqaruv kompetentliklarini rivojlantirishning mazmuni .....	363
<b>Tilovova S.B., Matupayeva Sh.Z.</b> Inklyuziv ta'lim amaliyotida samaradorlikka erishishning o'ziga xos imkoniyatlari .....	366
<b>Абдуллаев Б. М.</b> Имконияти чекланган бошлангич синф ўқувчилари ҳуқуқий маданиятини шакллантириш педагогик муаммо сифатида .....	371
<b>Urazmetova Sh.A.</b> Imkoniyati cheklangan yoshlarni o'qitishda raqamli texnologiyalarning ahamiyati .....	376
<b>Kuchkinov A.Yu.</b> Eko-steam yondashuvining tarixiy-ijtimoiy taraqqiyoti boshlang'ich ta'lim yo'nalishi talabalarida ekopedagogik kompetentlikni rivojlantirish .....	383
<b>Jabborova O.M., To'rayeva G.T.</b> Boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'z-o'zini anglash ko'nikmasini shakllantirish tizimi .....	388
<b>Xolmatova G.I.</b> Boshlang'ich sinf o'quvchilarining ijodiy faoliyatni shakllantiruvchi topshiriqlar .....	396
<b>Tilavova S.B.</b> Boshlang'ich ta'limda steam yondashuv asosida raqamli texnologiyalar orqali bo'lajak o'qituvchilarning ekologik kompetentligini takomillashtirish .....	400
<b>Shaxmuradova D.A.</b> O'quvchilarda kritik va kreativ fikrlash ko'nikmasini shakllantirishning nazariy asoslari .....	406
<b>Арсланова Г.Дж.</b> Современные педагогические технологии в начальном образовании .....	412
<b>Пак С.В.</b> Методика формирования профессиональных компетенций студентов в области математического развития дошкольников .....	419
<b>Абдуллаева Л.У.</b> Формирование компетенций педагогов по взаимодействию с родителями и социальными партнёрами в ДОО .....	430
<b>Мирзорахимов О.К.</b> Что такое игра для ребенка? .....	438
<b>Дониёрова Л.Х.</b> Совершенствование методики применения феминитивов в речи у будущих учителей начальных классов .....	444
<b>Джанпеисова Г.Э., Мубаракшина А.Р.</b> Влияние музыкальных занятий на формирование познавательных способностей детей дошкольного возраста .....	450
<b>Джанпеисова Г.Э., Хакимова С.Х.</b> Формирование социального опыта, связанное с развитием нравственных качеств у детей дошкольного возраста .....	454
<b>Сейтмуратова В.Ш.</b> Формирование культуры здорового образа жизни у детей старшего дошкольного возраста в ДОУ .....	457

## ТАСВИРИЙ САЪНАТ

<b>Sarsenbaev T.T.</b> Me'morchilik vositasida talabalarining kasbiy-estetik kompetentligini rivojlantirish .....	462
<b>Xalmuratov I.T.</b> Qoraqalpoq amaliy san'ati asosida talabalarining innovatsion faoliyatini rivojlantirish .....	468

## СОЦИАЛЛЫҚ ПЕДАГОГИКА

<b>Usmonov N.B.</b> O'quvchi shaxsining ijtimoiy munosabatlarga tayyorlash metodikasi .....	472
<b>Ubaydova V.E.</b> Yengil sanoat sohasida mutaxassis kadrlarning kasbiy kompetensiyalarini takomillashtirishda olimlarning ilmiy tadqiqotlar tahlili .....	476
<b>Kamolov E.R.</b> Noaniq to'plam prinsipidan foydalanib noaniq regulyatorlarni qurish .....	482
<b>Orinbetov N.T.</b> O'quvchi yoshlarning fuqarolik pozitsiyasining ko'rsatkichlari va darajalari .....	486
<b>Matupayeva Sh.Z., Shoyusupova Sh.Sh.</b> Talabalarining kasbiy kommunikativ ko'nikmalarini rivojlantirishda clil texnologiyasining integrativ imkoniyatlari .....	492
<b>Давронова Д.С.</b> Влияние национальных традиций на воспитание детей в узбекских семьях .....	497



## “БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИ”ДА ОПТИМАЛ БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ТУРЛАРИ

Умарова З.А.  
ЧДПУ

**Таянч сўзлар:** бошланғич таълим, анъанавий бошланғич таълим тури, инклюзив бошланғич таълим тури, экстернат бошланғич таълим тури, билим, ўзлаштириш, амалиёт.

**Ключевые слова:** начальное образование, традиционный тип начального образования, инклюзивный тип начального образования, экстернатный тип начального образования, знания, усвоение, практика.

**Key words:** primary education, traditional type of primary education, inclusive type of primary education, external type of primary education, knowledge, assimilation, practice.

**Резюме:** Ушбу мақолада олий педагогик таълим жараёнида ўқитилаётган “Бошланғич таълим педагогикаси” мутахассслик фанининг оптимал бошланғич таълим турлари таҳлил қилинган ва методик тавсиялар берилган.

**Резюме:** В данной статье проанализированы оптимальные виды начального образования по специальности “Педагогика начального образования”, преподаваемые в процессе высшего педагогического образования и даны методические рекомендации.

**Summary:** This article analyzes the optimal types of primary education in the specialty “Pedagogy of primary education” taught in the process of higher pedagogical education and provides methodological recommendations.

Кириш. Ўзбекистонда бошланғич таълим сифат кўрсаткичларига эришиш жараёнида олий педагогик таълим муассасаларида мазкур таълим босқичи бўйича профессионал бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш муҳим ҳисобланади. Шу жиҳатдан олий педагогик таълим муассасаларида ўқитилаётган мутахассслик (мажбурий) ўқув фанлари бўйича янги асосдаги ўқув материалларини тайёрлаш долзарб бўлиб турибди. Бу ўринда бошланғич таълимнинг оптимал турлари таркиб топиб, педагогик тажриба-синовдан ўтганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу жиҳатдан “Бошланғич таълим педагогикаси” ўқув фанида бошланғич таълимнинг оптимал турларини ўрганиш, ўзлаштириш ва бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари касбий компетенциясида уларда таркиб топтириш долзарб



масалалардан ҳисобланади. Мазкур мақолада ан шу муаммо бўйича муаллифнинг индивидуал ёндашувлари тақдим этилди.

**Адабиётлар шарҳи.** Бошланғич таълим педагогикаси муаммолари бўйича мамлакатимиз педагог олимлари томонидан муҳим назарий, фундаментал ва методик тадқиқотлар яратилган. Бу борада педагог олимларимиз Х.Ибрагимов, Р.Джураев, Ш. Мардонов, О. Мусурмонова, Р.Сафарова ва бир қатор ёш педагог олимларнинг тадқиқотларида бошланғич таълим педагогикаси асослари бўйича ўзига хос ёндашувлар баён қилиб ўтилган. Айни пайтда, кейинги вақтларда Бошланғич таълим педагогикаси ўқув фани бўйича бўлаётган янгиланишлар, такомиллашишлар ва унинг самарадорлик масалалари бўйича методик ёндашувлар мазкур фан асосларини ривожлантириш боришни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан мазкур масалада ёш педагог олимлардан О.Жабборова, Г. Тожибоева, З.Умарова, Ш.Матупаева кабиларнинг илмий тадқиқотларида бошланғич таълимнинг замонавий муаммолари, инновацион технологиялари, янги назарий ёндашувлари, бошланғич таълимнинг ўқитиш жараёни бўйича тажрибавий методлар ва бошланғич таълимда таълим-тарбия амалиёти масалалари бўйича назарий, методик ва татбиқий ёндашувлар ишлаб чиқилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бундай тадқиқотлар натижасида Бошланғич таълим педагогикаси ўқув фанининг асосларини такомиллаштириб бориш имкониятларига эга бўлинаётганлиги муҳим педагогик натижалардан биридир.

**Асосий қисм.** “Бошланғич таълим педагогикаси” ўқув фанида тажрибадан ўтган, такомиллашган ва кейинги пайтларда педагог олимларнинг эътиборини тортаётган бошланғич таълим турлари бўйича яқдил ёндашувларга келиш тақозо этилмоқда. Шу жиҳатдан бу ўринда эътиборингизни бошланғич таълимнинг ана шундай оптимал турлари таҳлиliga эътиборингизни тортамыз.

**Анъанавий бошланғич таълим тури.** Мамлакатимиз бошланғич таълим босқичида замонавий таълим турларини татбиқ этиб бориш жараёни кечмоқда. Айни пайтда, анъанавий бошланғич таълим тури ўзининг тажрибага эга эканлиги ва педагогик қонуниятларга қатъий асосланиши билан яшлвчан бўлиб қолмоқда [1]. Шу жиҳатдан миллий Педагогикамиз тарихида бошланғич таълим энг қадимий ҳисобланади ва бугунги кунда ҳам у кенг кўламда амал қилмоқда.

Анъанавий бошланғич таълим тури қуйидагиларга таяниши билан ўзига хос хусусиятларга эга:

- а) дарс тизимига асосланиш;

б) ўқитувчи ролинг устуворлиги;

в) ўзлаштириш ва кўникмаларни даврий баҳолаб бориш тизимга эгаллиги.

Анъанавий бошланғич таълим турида дарс тизими устувор ҳисобланади. Унда Дарс тизими кириш, асосий қисм ва яқунловчи бўлимлардан иборат бўлади, бу ҳол IX асрда Бухоро педагоглари томонидан ишлаб чиқилганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Дарс тизимида асосан ўтган мавзунини тақрорлаш, ўқувчиларнинг ўзлаштиришидини назорат қилиш ва янги мавзунини тушунтириш қоидаларига амал қилинади. Бунда таълим берувчи мавзунини маъруза шаклида тушунтиради ва асосий эътиборни ўқув фани бўйича тавсия этилган Дарсликдаги ўқув материалларини ўзлаштиришга қаратилади.

Кейинги пайтларда дарс шакли кенгайиб бормокда. Шу жиҳатдан муаммоли дарс (бирор мавзунини муаммо сифатида кўйиб ўзлаштириш), мунозароали дарс (мавзунини муҳокама қилиш асосида ўзлаштириш), эркин дарс (таълим олувчиларнинг муайян мавзу бўйича матекриаллар тайёрлаб келишига асосланган машғул) ва маҳорат дарси (соҳа мутахассисининг муаммоли мавзулар бўйича маърузаси) шакллари кенг амал қилмокда. Шу тариқа бошланғич таълимда анъанавий бошланғич таълим тури яшовчан бўлиб қолаётганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Дарс тизимига асосланган анъанавий бошланғич таълим тури мамлакатимизда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб ўқв фанларининг гуманитар, табиий ва аниқ фанлар туркумларига бўлиб ўқитиш шаклида амалга оширилмокда. Бундан мақсад бошланғич синф ўқувчиларининг ўз лаёқати ва қизиқишига таянган ҳолда ўқув фанларини ўзлаштиришни чуқурлаштиришдир. Шу сабабли бошланғич синфларда ўқув фанлари бўйича мутахассис бўлган педагоглarning фаолият юритиш таркиб топди. Бунда бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари икки компетенцияни эгаллаши тақоза этилади: 1) бошланғич синфларда ўқитиладиган ўқув фанлари бўйича умумий назарий билм ва кўникмаларга эга бўлиш; 2) муайян туркумдаги ўқув фанлари бўйича ихтисослашган билм ва кўникмага эга бўлиш. Шу сабабли олий педагогик таълим жараёнида “Бошланғич таълим педагогикаси” ўқув фанини чуқур ўзлаштириш тақоза этилади.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, анъанавий бошланғич таълим тури мамлакатимиз халқининг саводхонлик кўникмасини меъёрда ривожлантириб бориш асоси ҳисобланади. Унга кўра, ёзиш, ўқиш ва ҳисобни билган шахс саводхон сифатида эътироф этилади. Шу жиҳатдан мамлакатимиз мактабгача таълим турида шахс саводхонликка жисмоний, ақлий, руҳий



ва эстетик жиҳатдан тайёрланади. Бу ҳол бошланғич таълим босқичида шахсга асосиц савқодхонлик асосларини бериш заруиятини белгилайди. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари бу масалани чуқур ўзлаштириши ва анъанавий бошланғич таълим турида кенг қўлланиладиган Дарс машғулотини янгича ғоялар, янгича ёндашувлар ва индивидуал методика асосида ўтиш кўникмаларини эгаллаши керак. Чунки ўқитувчининг индивидуал методикаси аъанавий бошланғич таълим турини ривожлантириш ва уни замонга мослаштириб боришнинг муҳим омили ҳисобланади.

**Инклюзив бошланғич таълим тури.** Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунида (2020 йил 23 сентябрь) “Инклюзив таълим алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун таълим ташкилотларида таълим олишга бўлган тенг имкониятларни таъминлашга қаратилган; жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ташкил этилади; инклюзив таълимни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланаши” алоҳида таъкидланган. (20-модда). Шу жиҳатдан мамлакатимизда инклюзив таълим бошланғич таълим босқичида қуйидаги синфларга бўлиниб амалга оширилади:

- 1) жисмоний нуқсони бўлган ўқувчилар синфи;
- 2) ақлий нуқсони бўлган ўқувчилар синфи;
- 3) сенсор нуқсони бўлган ўқувчилар синфи;
- 4) руҳий нуқсони бўлган ўқувчилар синфи.

Айни пайтда, бу тоифа ўқувчилар бошланғич синф ўқувчилари билан бир синфда ўқиш имконияти ҳам берилади. Жисмоний нуқсони бўлган ўқувчилар (таянч ҳаракат ашаратида нуқсони бўлган ўқувчилар, умуман туғма жисмоний камчиликка эга ўқувчилар) учун қисқатирилган ўқув дастурлари тадбиқ этилади. Бунда асосий мақса мазкур тоифа ўқувчиларнинг бошланғич таълим бўйича билим ва кўникмаларини талаб даражасида таркиб топтиришдан иборат.

Ақлий нуқсони бўлган ўқувчилар учун индивидуал бошланғич таълим ташкил этилади. Бунда асосий эътибор ўқувчининг ёзиш, ўқиш ва ҳисоблаш кўникмасини таркиб топтиришга қаратилади. Бу билан у ўзининг хоҳиш-истагини оғзаки ёки ёзма равишда билдириш имкониятига эга бўлади.

Сенсор, яъни сезги органларида нуқсони бўлган ўқувчилар учун ҳам махсус бошланғич таълим ўқув дастурлари тадбиқ этилади. Асосан бунда



заиф кўрувчи, заиф эшитувчи ва организмда асаб тўқимасининг ривожланмаган тоифадаги ўқувчиларнинг саводхонлик кўникмасини таркиб топтиришга қаратилади.

Руҳий нуқсони бўлган бошланғич синф ўқувчилари махсус тайёргарликка эга ўқитувчилар томонидан ўқитилади. Мамлакатимизда бундай тоифа ўқитувчилар психологлар ва педагоглардан иборат ҳисобланади. Чунки руҳий нуқсони мавжуд ўқувчилар тиббий-педагогик коррекция воситасида ўқитилади. Асосий мақсад уларнинг таълим ва тарбия олиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришдан иборат.

Инклюзив таълим умумий ўрта таълим мактабларидан ташқари оила ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ҳам амалга оширилади. Бунда таълим олувчининг жисмоний, ақлий ва руҳий имкониятларидан келиб чиқилади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг инклюзив таълим асослари бўйича касбий билим ва кўникмаларга эга бўлиши тақоза этилади. Чунки инклюзив таълим тури ўқитувчининг касбий компетенцияси ва методикасини ривожлантириш омилиги эга. Бунда ўқитувчи ҳар бир машғулотга алоҳида тайёргарлик кўриши билан ажралиб туради [2].

Жамиятимизнинг ҳозирги ривожланиш шароитида бошланғич таълимда инклюзив таълим турини амалга оширишда волонтерлик институтидан кенг фойдаланиш долзарб бўлиб турибди. Бу билан кенг қўламли мутахассисларни инклюзив таълимга жалб этиш имкониятига эга бўлинади.

**Экстернат бошланғич таълим тури.** Жамиятимизнинг инновацион ривожланиш шароитида бошланғич таълимнинг янги турларини амалиётга жорий этиш ҳам амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан “Таълим тўғрисида”ги Қонунда таъкидланади. “экстернат тартибидаги таълим олиш ўқув дастурларини мустақил равишда ўзлаштиришни ўз ичига олиб, унинг якунлари бўйича таълим олувчилардан давлат таълим муассасаларида якуний ва давлат аттестацияларидан ўтишни талаб этади; экстернат тартибидаги таълим олишни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади” (21-модда). Унга кўра, бошланғич синф ўқувчиси мустақил таълим ёки оила таълими шаклларида бирида бошланғич таълимнинг ўқув дастурларини тезкор ўзлаштириши мумкин. Бунда бошланғич синф ўқитувчиси ёки ўқитувчилари экстернат таълимни мактаб Педагогик кенгашининг қарори билан амалга оширади.



Экстернат бошланғич таълим тури ўқувчиларнинг ўзлаштиришини тезлаштириш ва уларнинг қўшимча таълим олишига имконият яратиш мақсадида ташкил этилади. Мисол учун, 4-синф ўқувчиси эстернат таълим олиши ва бўшаган таълим вақтида ўзининг қизиқиши бўйича қўшимча таълим олиши мумкин. Негаки малматимизда махсус билим ва кўникмаларга эга ўқувчиларни 5-синфдан бошлаб қабул қиладиган Президент мактаблари, ижод мактаблари ва муайян фанларга ихтисослаштирилган мактаблар фаолият юритмоқда. Бундай умумий ўрта таълим шаклидаги мактабларга тайёрланиш учун бошланғич синф ўқувчилари экстернат таълим тури имкониятларидан фойдаланиши мумкин. Шу сабабли бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари олий педагогик таълим жараёнида эстернат таълимнинг назарий ва методик асосларини чуқур ўзлаштириши тақоза этилади.

**Хулоса.** “Бошланғич таълим педагогикаси” фанида таркиб топган оптимал бошланғич таълим турларини олий педагогик таълим жараёнида ўзлаштириш, уларнинг асослари бўйича назарий-методик тадқиқот ишларини амалга ошириш ва бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини мазкур масаланинг методологик асослари билан куроллантириш мақсадга мувофиқ бўлади[3]. Шу жиҳатдан бу борада кенг қўламли педагогик илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш долзарб бўлиб турганлигини эслатиб ўтиш лозим.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Халидов А.Б. Мактаб. // Ислам. Энциклопедический словарь. –М.: “Наука”. 1991.
2. Мухамедова М. Логопедия. – Т.: “Ишонч-ҳамкор”. 2023
3. Жабборова О., Умарова З., Бабаходжаева Л. Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция. – Т.: “Zebo print”, 2021

ISSN 2181-7138

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық  
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ХӘМ ҮЗЛИКСИЗ  
БИЛИМЛЕНДИРИҰ»**

**№ 5**

**Нөкис — 2024**

Басып шығыуға жууапкер:

*А. Тилегенов, С. Нуржанов*

Баспаға таярлаған:

*А. Тилегенов*

Компьютерде таярлаған:

*П. Реймбаев, З. Ниязымбетова*

***Мәнзил: Нөкис қаласы, Ерназар Алакөз көшесі №54***

***Тел.: +998 61 224-23-00, +998 61 224-01-34***

***e-mail: [uzniipnkkf@umail.uz](mailto:uzniipnkkf@umail.uz),***

***[mugallim-pednauk@umail.uz](mailto:mugallim-pednauk@umail.uz)***

***[www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz](http://www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz)***

***[www.KRTEACH.UZ](http://www.KRTEACH.UZ)***

*Журналға келген мақалаларға жууап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Муғаллим хәм үзликсиз билимлендириу» журналынан алынды, деп көрсетилиуи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледі. Мақалада келтирилген мағлыуатларға автор жууапкер.*

Оригинал-макеттен басыуға рухсат етилди 09.09.2024. Форматы 70x100<sup>1</sup>/<sub>8</sub>

«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.

Шәртли б.т. 31. Нашр. т. Нұсқасы \_\_\_\_\_ Буйыртпа №